

уз

«Ўлимдан бошқасининг эртароқ бўлгани яхши»

Чет тилини билиш шартми?

Оддий йигитнинг моддий ибрати

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



# ЖАМИЯТ

№ 6 (642)  
2019 йил  
15 февраль,  
жума

Ижтимоий-сиёсий журнал 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган [www.jamiyatgzt.uz](http://www.jamiyatgzt.uz) @ jamiyat@uamail.uz



Қонун бу ким бўлишидан қатъий назар, барча фуқаролар ўртасидаги келишувдир. Шунга кўра, унга қатъий амал қилиш жамият аъзоларининг барчасига бирдек тааллуқли. Ушбу келишувни қайд этиш, расмийлаштириш, амал қилиш ва назорат қилиш тизимининг барчага баробар бўлиши жамиятнинг комиллик даражасини белгилаб беради. Демак, барча жабҳаларда қонун устувор бўлган жамият комил жамиятдир.

4-саҳифада >>

**ЛАГАНБАРДОР,  
ИККИЮЗЛАМАЧИ,  
ФИРИБГАР**



СТО

10

БИР ЖАРИМА — 70 КИЛОГУШТ

2-с.

3-с.

«СИФАТ, АДОЛАТ ВА ШАФФОФЛИК» ҚАЙДА ҚОЛДИ?

6-с.

Фикр

ШАРОФ БОШБЕКОВ,  
драматург

Китобнинг телевидениедан устун жиҳати — китоб ичида реклама йўқлиги.



# БИР ЖАРИМА — 70 КИЛО ГҶШТ

**Бундан бир ойлар муқаддам юртимизга сайёҳ сифатида келган тожикистонлик меҳмонлар билан суҳбатлашганим. Улар Тошкентни айланиш жараёнида шаҳарнинг ниҳоятда гўзаллигини айтиш билан бирга, сизлардаги йўлларни кўриб ҳавасимиз келди, деган эди. Меҳмонларнинг таъкидлашича, кенг ва равоп пойтахт йўлларида транспорт воситалари бемалол ҳаракатланиб, ортиқча тирбандликлар кузатилмайди. Айниқса, йўлларнинг саккиз қаторли экани ҳайдовчиларга ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди.**

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимиздаги автомобиль йўллари таътибор кескин ўзгарди. Ҳатто, энг чекка ҳудудлардаги йўллар ҳам асфальтланиб, йўл белгилари ва йўл чизиқлари билан жиҳозланмоқда. Бироқ айрим ҳайдовчиларнинг ушбу йўл белгиларига риоя қилмасдан, транспорт воситасини дуч келган ерга тўхтаганини ёки қўйиб кетиши қатновга ҳалақит бераётгани ҳақиқат. Бу белгилар кўчаларимизни чиройли кўрсатиш учун эмас, аксинча, ҳаракат иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларга тўғри йўналиш кўрсатиш учун ўрнатилишини айримлар ҳануз тушуниб етмапти чирой.

— Биздаги мавжуд белгилар 1968 йил Венада қабул қилинган «Йўл белгилари ва сигналлари» ҳақидаги Конвенция ҳамда ушбу ҳужжатни тўлдирувчи 1971 йилда Женевада бўлиб ўтган Европа келишуви талабларига мос келади, — дейди автомактаб ўқитувчиси Ориф Назаров. — Йўл белгилари мазмун жиҳатдан 7 та гуруҳга бўлинади. Ҳар бир белгининг эса ўз тартиб рақами бор. Ҳайдовчи йўл белгиларини кўриб, тезроқ англаши учун уларга ўзига хос шакл ва тегишли ранг берилган.

Албатта, бу белгиларнинг умумий таърифи. Куйида ҳайдовчилар энг кўп дуч келадиган 3.27 — «тўхташ тақиқланган» ёки 3.28 — «тўхтаб туриш тақиқланган» каби йўл белгилари ва уларга ҳамоҳанг 1.4. — йўл чизиги хусусида тўхталамиз. Маълумки, ушбу белгилар ва йўл чизиги ҳайдовчига ҳаракатланишда чекланишлар борлигини билдиради ҳамда айрим ҳаракатланишларни тақиқлайди.


Масалан, 3.27. — «тўхташ тақиқланган» белгиси жадаллиги юқори бўлган серкаторли автомобиль йўлларида ўрнатилган. У транспорт воситаларининг юқори даражада тўхтовсиз, тўсиқликларсиз ҳаракатланишини таъминлашга хизмат қилади. Аммо «Ногирон» белгиси билан жиҳозланган автомобиллар ва кажавали мотоциклларни бошқариётган ҳайдовчилар 3.2. — «ҳаракатланиш тақиқланган», 3.3. — «механик транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланган» ҳамда 3.28. — «тўхтаб туриш тақиқланган» белгилари

талабларидан четга чиқиши мумкин. 7.18. — «ногиронлар мустасно» белги бўлганда 3.27. — «тўхташ тақиқланган» белгисининг таъсир доирасида тўхташга руҳсат этилади.

Айрим ҳайдовчиларимиз фақатгина йўл белгилари талабларига амал қилган ҳолда йўл чизиқлари, уларнинг аҳамиятига унчалик ҳам эътибор қаратмайди. Аслида йўл чизиқлари ҳам ҳаракат жараёнида муҳим вазибаларни бажаради. Жумладан, 1.4. — «сариқ рангли силдирга чизиқ» тўхташ тақиқланган жойни билдиради. Бу чизиқ ўзи алоҳида ёки 3.27. — «тўхташ тақиқланган» йўл белгиси билан бирга қўлланиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам у ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Афсуски, юқорида таъкидланганидек, барча ҳайдовчилар ҳам бу талабларга бирдек амал қилмайди. Республикаимизнинг исталган ҳудудига боринг, 3.27. — йўл белгисининг таъсир доирасида тўхтаб турган транспорт воситаларига кўзингиз тушади. Айниқса, жамоат транспорти, автобуслар бундай кўчалардан ўтишга қийналади. Натижада автобуслар ҳаракатни тўсиб, иккинчи, ҳаттоки, учинчи қаторларда тўхташга мажбур бўлмоқда.

Қоидабузарлик қилиб, 3.27. —



йўл белгиси таъсир доирасида тўхтаб турган асарият ҳайдовчилар билан суҳбатлашганим, улар бирор-бир корхона, савдо маркази ёки ишхонага киришда автомобиль кўйишга жой йўқлигини айтади. Бир қарашда уларнинг эътирозига қўшилиш мумкин. Бироқ...

Вазиятни янада теранроқ ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳридаги бир неча йирик савдо шохбчалари олдидаги аҳвол билан танишдик. Айтиш керакки, ҳар қандай йирик иншоот қурилишидан олдин унинг лойиҳаси тайёрланади. Унда, албатта, автомобиллар тўхташи учун ҳам жой ажратилади. Биз кўрган савдо марказлари олдида харидорлар учун автотураргоҳ ташкил этилган. Бундай жойларда муаммо ҳам, келишмовчиликлар ҳам йўқ. Лекин пойтахтимиздаги кичик ҳалқа автомобиль йўлининг Чилонзор ва Учтепа туманлари қисмларидаги автомобиль эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи «Фарҳод ярмаркаси»да тескари манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бозор учун автомобиллар тўхташ жойи ажратилган бўлса-да, ҳайдовчилар автотураргоҳга тўланадиган пулни тежаш учун, машиналарини катта йўл ёқасида қолдиришни хуш кўради. Балки автотураргоҳдаги нарх қимматдир, деган ҳаёлда нархлар билан танишдик. Соатида икки ёки уч минг сўм.

Энди ўйлаб кўринг. Автомобилни тураргоҳга қўйиб икки-уч минг сўм тўлаган афзалми ёки қондани бузиб, жарима тўлашми? Жарималар миқдори эса оз эмас. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1286-моддасига кўра, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорига жаримага сабаб бўлади. Айни кунда юртимиздаги энг кам иш ҳақи 202 минг 730 сўм эканини инобатга олсак, жарима миқдори 608 минг 190 сўмни ташкил этади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилишидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорига жарима солишга сабаб бўлади.

Агар қоидабузарлик икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорига жарима солишга сабаб бўлади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳуқуқбузарлик уч марта ва ундан ортиқ маъмурий жазо қўлланилишидан кейин бир йил давомида такроран содир этилганида ҳайдовчи энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорига жарима тўлайди. Энди жарима миқдорини ўзингиз ҳисоблаб кўринг.

Мисол учун, шу пулга рўзгор учун ўргача етмиш килограмм гўшт харид қилса бўлади. Ёки фарзандингиз учун китоб олиб берсангиз, ундан келадиган маънавий бойликни ҳеч бир ўлчов билан белгилаб бўлмайди.

Ҳайдовчиларнинг аксари тўхташ ва тўхтаб туриш тақиқловчи йўл белгилари кўпайиб кетганидан ноийди. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, шаҳар кўчаларига ўрнатилган айнан 3.27. — йўл белгиси бўйича кенг қамровли хатлов ва ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда. Хатлов жараёнида белги ўрнатилган кўчада транспортлар қатнови жадаллиги, кўчада жойлашган турли тоифадаги объектлар ва яна бошқа бир қатор омиллар асосида ҳулоса қилинмоқда. Агар бунини мисоллар ёрдамида айтадиган бўлсак, шу кунгача шаҳар ҳудудидagi ўз аҳамиятини йўқотган ва хатлов давомида кераксиз, деб топишган 150 та 3.27. — йўл белгиси олиб ташланди.

Бундан ташқари, 65 та 3.27. — йўл белгиси 3.28. — «тўхтаб туриш тақиқланган» йўл белгиси билан алмаштирилди. Шунингдек, ҳаракат иштирокчиларига қулайлик яратиш мақсадида шаҳарнинг 24 та нуқтасига 5.15 — «тўхтаб туриш жойи» ҳамда унга қўшимча тарзда 7.6.1 — «транспорт воситасини тўхтаб туриш жойига қўйиш усули» йўл белгилари ўрнатилди. Қолган кўчалардаги мавжуд йўл белгиларини ҳам хатловдан ўтказиш ишлари давом этмоқда.

Мансуржон РИХСИЕВ,  
журналист

## Жараён

### «Oxford kids»

**Андижон шаҳрида шу номдаги нодавлат мактабгача таълим муассасаси очилди. Мазкур болалар маскани 4 миллиардлик лойиҳа асосида тадбиркор Миржаҳон Ҳақимов ташаббуси билан бунёд этилди. Масканда 20 та янги иш ўрни яратилди.**



Замон талаблари асосида қал ростлаган муассаса энг илгор технологиялар, педагогик ўқув-услубий қўлланмалар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, болаларнинг мукамал таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар муҳайё. Болалар кутубхонаси, ёзги ўйингоҳ, айвончалар, спорт майдончаси, 6 та гуруҳга мўлжалланган бежирим ётоқхона ва машгулот хоналари, овқатланиш хонаси, мусиқа зали, ай-



ниқса, тарбиявий ўйинчоқлар ва ранг-баранг ўқув қуроллари ҳар қандай болажонни мазкур маскан бағрига чорлайди. Уларга болалик гаштини суриш баробарида муносиб тарбияланиш имконини яратади. Инглиз ва рус тиллари,



ментал арифметиканинг инновацион методлар асосида ўргатилиши эса «Oxford kids» фаолиятининг жаҳон стандарти талабларига мос мазмун касб этишини аналталати.

— Бу ер 150 нафар ўғил-қизни қамраб олиш имкониятига эга, — дейди муассаса мудириси Зилола Жалолова. — Ҳозир 75 нафар бола билан иш бошладик, қабул жараёни давом этмоқда. Талабгорлар кўп. Кичкинтойларнинг ҳар бирида алоҳида иқтидор бўлади. Биз уларнинг ана шу қизиқишлари, истеъодига қараб ҳам пухта таълимга йўналтирамиз. Уларнинг ҳар томонлама мукамал таълим-тарбия олиши учун юқори маалаки тарбиячилар изчил дастур ва замонавий технологиялар асосида машгулотлар олиб боради.

Миржаҳон Ҳақимовнинг таъкидлашича, муассаса йўлҳалари, ҳар бир гуруҳ хоналарига махсус кузатув мосламалари ўрнатилган.

Русам МАМАЖОНОВ



Ҳайдовчилик гувоҳномаси учун имтиҳон топшириш эндиликда электрон навбат билан амалга оширилади.



# «Сифат, адолат ва шаффофлик» қайда қолди?

*Ёхуд босма нашрларни ўқиш, ўқиш ва қадрлаш раҳбарлар ихтиёридами?*

**Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали — regulation.gov.uz да эълон қилинган «Халқ таълими тизимидаги оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш тўғрисида»ги қарор лойиҳасининг муҳокамаси ўз якунига етди.**

Муҳокама жараёнидаги изоҳлар билан танишган ҳар қандай киши «Халқ таълими нашриётлари» ДУК лойиҳаси деярли қўлаб-қувватланмаганига амин бўлади. Бундан ташқари, ҳукумат томонидан маъқулланиши ёки рад этилиши номаълум бўлган бу қарор лойиҳаси ҳақида таниқли журналларда, ёзувчилар ва шоирлар, мунаққидлар, таржимонлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам кескин танқидий муносабат билдирди. Масалан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдийнинг «Вазир матбуот эркинлигини қандай тушунадим?», «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остоновнинг «Газета ўқимай ҳам яшаш мумкин», Халқ таълими аълочиси Фаррух Жабборовнинг «Маърифат» сиз қолган муаллимлар. Умумий қозон муаммога ечим бўла оладими?» деб номланган мақолалари матбуотда эълон қилинди. Назаримизда, бу каби чиқишларда жонкуярлик билан ёзилган фикр-мулоҳазалар халқ таълими мутасаддилари эътиборидан четда қолиши мумкин эмас.

«Яқинда ижтимоий тармоқларда ўқиб қолдим. Халқ таълими вазирлигининг нашрлари бирлаштирилиб, давлат унитар корхонасига айлантирилди» деб бўлибди. Тўғри, кимдир вазира шу тақлифи берган, маъқуллатирган. Бунинг оқибатида вазирлик ўз нашрларини қўлаб-қувватлашининг матбуот эркинлигига зид йўлни қабул қилаётганга ўхшайди. Матбуот билан боғлиқ масалаларда минг ўйлаб, соҳанинг билдимдонлари билан маслаҳатлашиб, бир хулосага келинмаса, ортиқча муаммолар чиқади.

Президентимиз матбуот эркинлигини таъминлашга қатъи эътибор қаратаётган, жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустақамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади, деб турган бир пайтда, бундай ёндашув демократик ислоҳотларга зид келмайдами? Айрим муассислар раҳбарлари таҳририят, яъни журналистларни ўзига қарам ҳисоблайди. Журналист қарам бўлган жойда сўз эркинлиги ўлади, демократик жараёнларга пугур етади, коррупция авж олади. Бундан, аввало, давлат зиён кўради», деб ёздаи устоз журналист Сафар Остонов.

Айтиш ҳозирки, таълим нашрлари нафақат узоқ тарих ва бой таърибага, балки ўз йўли — йўналишига ҳам эга. Масалан, «Тong yulduzi», «Класс» газеталари, «G'uncha», «Gulxan» журналлари кичик ёшдаги болаларнинг илм-маърифатга илк интилиш ҳамда изланишлари, дунёқаролини кен-

гайтиришга кўмак берса, «Ma'rifat», «Учитель Узбекистана» газеталари таълим-тарбия, маънавият, илм-фан ва ижтимоий соҳалардаги янгиликлардан маърифатпарварларимизни доимий воқиф қилиб боришдек улкан вазифини ўз зиммасига олган. «Xalq ta'limi», «Boshlang'ich ta'lim», «Til va adabiyot ta'limi» илмий, методик журналлари эса узлуксиз таълим тизими ўқитувчиларига услубий жиҳатдан кўмаклашини баробарида педагогика соҳасидаги энг сўнгги илмий янгиликларнинг таълим амалиётига ўз вақтида таъбиқ этилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу нашрларнинг ютуқ ва хизматлари унга ошно бўлган таълим, маънавият, илм-фан, умуман, келажак авлод камолига ўзини дахлдор ва масъул билган, доимо янгиликка интиқ заҳматқаш зиёлиларга яхши маълум. Ўз навбатида, таҳририятларда ўзига хос муаммолар ҳам бўлиши табиий. Шу маънода, «Халқ таълими тизимидаги оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш тўғрисида»ги қарорни ишлаб чиқишга доир банд соҳага ихтисослашган мутахассислар, журналистларни қувонтирган эди. Аммо...

### Ким нима гамда-ю...

«Халқ таълими тизимидаги оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш тўғрисида»ги қарор лойиҳаси жамоатчилик, хусусан, журналистларда норозилик кайфиятини уйғотди. Қатор нашрлар ва ижтимоий тармоқларда лойиҳада кўзда тутилган бандларнинг сўз эркинлиги ва ОАВ мустақиллигига таҳдид экани, на демократия, на Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тўғри келиши тўғрисида асосли танқидий чиқишлар бўлди. Шунга қарамай, Халқ таълими вазирлигининг расмий (uzedu.uz, 21.01.2019 йил) сайтыда яна муҳокамага қўйилган (regulation.gov.uz) ўша «машҳур» қарор лойиҳаси «Халқ таълими вазирлиги ахбороти» сифатида ёқланиб чиқилгани афсусланарди.

Эътибор қилинг, «ахборот»да таъкиланганидек, «**Ижтимоий тармоқларда ушбу қарор лойиҳасига қарши танқидий мақолалар чоп этилди**», дейилапти-ю, мазкур танқидий фикрларнинг ҳеч биринга жавоб ёки раддия берилмасдан шунчаки: «...**Уларнинг барчаси давлат корхонаси бўлиб, ягона давлат корхонасига бирлаштирилиши юридик жиҳатдан ҳеч қандай ўзгаришга олиб келмайди**», дея таъкидланиши ҳужжатга ва нашрлар тақдирига бепасандликни кўрсатиб турибди. Агарки, таълим тизимининг турли босқичлари, борингки, ҳатто, ёш ва ақлий-физиологик жиҳатдан ҳар хил аудитория ҳамда фан йўналишидаги ўн битта нашр, гарчи давлат корхонаси мақомидаги, ягона муассисли (*бу фикр ҳам муҳокамали. Негаки, «Ma'rifat», «Учитель Узбекистана» газеталарининг муассиси учта, улардан бири нодавлат ташкилот*) корхоналар «бирлашиб» кетади-ю, нега юридик жиҳатдан ҳеч қандай ўзгариш бўлмас экан?

Ваҳоланки, юқорида номи саналган ҳар бир нашр бой таърибага эга бўлиши баробарида ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам илгор кадрлар масаласида етакчи таҳририятлар сифатида тан олинади-ку! Аслида, нашрларни «бирлаштириш», «туғатиш» сиёсати қайсидир жиҳатдан ноҳур, ўзини оқламаган, молиявий

инқирозга юз тутган ташкилотларга нисбатан қўлланиладиган чора эмасми? Бу, энг аввало, қарор лойиҳаси тэйёрланаётганда таҳририятлар фаолияти, фикри етарлича ўрганилмаганидан далолатдир.

### Эмишки...

«Ахборот»нинг 4 ва 5-бандлари ҳам бир-бирини инкор этишини тегишли мутасаддилар наҳот англамаган бўлса? Яъни, 4-бандда қайд этилишича, «**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги юқорида келтирилган ташкилотларнинг асосий таъсисчиси эканлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистон Республикаси қонунари доирасида уларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятларини текшириб туришга ҳақлидир**» (эътибор беринг: текшириб туришга!) Аслида эса улар Таъсис шартномасига кўра, «газеталар таҳририятининг бухгалтерлик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳўжатлари билан қонун доирасида таниниши» ваколатига эга. Буни вазирлик мутасаддилари кўрмаганга олмаяптиларми?

«Ахборот»нинг 5-бандида: «**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг янги жамоаси тайинланганидан бери вазирлик ўз муассислигидаги таҳририят ходимларининг ойлқларини ошириш ёки уларга мукофот бериш масалаларига аралашмаган. Таҳририятлар ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда бу масалаларни мустақил белгилайдилар**», дея ўзини камтар тутгани ортиқча эмасми? Ажабки, камина анча йил (ўн йилдан ортиқ) «Ma'rifat» газетаси, «Тил ва адабиёт таълими» журналида турли давонимларда ишлаган журналист сифатида муассиснинг «**таҳририят ходимларининг ойлқларини ошириш ёки уларга мукофот бериш масалаларига аралашмаган**» ҳолатини эслай олмадим. Неча-неча истеъодли ёзувчи ва шоирлар, таржимонлар, публицистлар, давлат ва жамоат арбобларига илк мактаб вазифини ўтаган «Ma'rifat» газетасидан ойлқк маоши йиллар мобайнида айнан муассис қаршичилигига кўра оширилмагани боис бир қанча иқтидорли журналистларнинг ишдан бўшаб кетишига мажбур бўлгани айни ҳақиқат.

Ўн битта давлат корхонасининг бутун молиявий-иқтисодий фаолияти бир ташкилот раҳбари қўлига ўтади-ю, яна қандай қилиб ҳар бир ташкилот «...ходимларининг ойлқларини ошириш ёки уларга мукофот бериш масалалари...» яхшилангани мумкин? Боз устига «**Таҳририятлар ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда бу масалаларни мустақил белгилайдилар**», дея ўйламасдан уларнинг келгуси фаолияти ваъдабозлик билан башорат қилинмоқда.

### Ҳақиқат тилга қирганда

Бир сўз билан айтганда, «Халқ таълими вазирлиги ахбороти»ни шунчаки мантққ кўзи билан бир ўқиб чиққан киши мазкур хабарда ҳам муҳокамага қўйилган қарор лойиҳасидаги каби ҳали пишиб етилмаган кўплаб фикр, жумла ва қоидаларни топишига шубҳа йўқ. Шу ўринда муҳокама порталдаги зукко ва куюнчак замондошимизнинг изохини келтириш мақсадга мувофиқ:

*«Ушбу қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид ва коррупцияни яратувчи ҳужжат. Чупки*

*давлат ташкилотлари тижорат билан шугулланиши мумкин эмас. Бу лойиҳада энг даромадли тижорат (полиграфия) соҳасини поқонуний эгаллаб олиш кўзда тутилган. Нафақат эгаллаб олиш, балки монополаштириш ва тотал назоратга олиш имконияти шакллантирилган... Ижодий ва ижобий конкуренциянинг йўқлиги ҳолатини сезган ва ундан фойдаланган нашриётлар ясама, ёлгон таъбирларни макташ орқали мактаб ва давлат тизимига нисбатан фарзандларимизда лоқайдликни келтириб чиқариб, уларни ёлгончиликка ўргатади. Ушбу лойиҳа даромад олиш учун ўқувчиларни товарга айлантиради.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисага йўллаган наватбатга Мурожаатномасида шундай деган эди: «**Айрим вазирликлар ўзи назорат қиладиган соҳадаги корхоналарда таъсисчи экани эркин ва соғлом рақобатга йўл бермаяпти, буням бугун очик айтиш керак. Бундай тизимни энди ўзгартирмасак, ушбу тармоқларда ҳам ва умуман, иқтисодиётда барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди.**»

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг бу фикри нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожиди ҳам устувор аҳамиятга эга экани олдий ҳақиқат. Бугун мамлакатимиз иқтисодиётида йирик, ҳатто, ўз монополиясига эга ташкилотларнинг ҳам эркин ва мустақил иқтисодий фаолият юртишига имкон берилётган бир пайтда, Халқ таълими вазирлиги тармоқ оммавий ахборот воситаларини бирлаштириш орқали монополияга йўл очаетганини тушуниш ва оқлаш қийин.

### Вақти келар, ўзи англар

Давлатимиз ва халқимиз кучли демократик жамиятни барпо этиш йўлидан ишонч билан бормоқда. Демакки, мамлакатимиз ва халқимиз келажига дахлдор ҳар бир ҚАРОРда оддий одамларнинг ҳам фикри инобатга олиниши шарт. Ана шунда қонун устуворлиги, фикрлар хилма-хиллиги, шаффофлик, ҳақолик қадрланади, жамиятда адолат муқаррарлигига ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Халқимизда «Гап келганда отангни ҳам аяма», деган пурмаъно нақл бор. Президентимиз, халқимиз биз, журналистлардан ҳақ сўзини айтишни, масъул мутасаддилардан эса ҳақ сўзини эшитиш, уни тўғри қабул қилиш ва шунга муносиб иш тутиш, чора кўришни талаб қиладиган айни келарда «катталарнинг «ўзи англар», «вақти келар», деган андишага боришимиз ўринсиз. Шу маънода энди ҳамма гап ёш ва халқор таърибага эга вазиримиз Шерзод Шерматовнинг ўз фаолиятига мезон сифатида қатъий белгиланган: «Сифат, адолат ва шаффофлик» тамойилларидан ҳеч ҳам огинмасдан сўнгги сўзини айтишида қолди, холос, дейишингиз мумкин. Бирок, вазирликнинг «ахборот»идан улар фикрларини қайтмайдиган кўринадди. Лекин... деган мулоҳаза ҳам йўқ эмас. Ахир Вазирлар Маҳкамасининг қарорига Халқ таълими вазиримиз чекмайди-ку. Хуллас, ҳозирча хулоса учун бир нима дейиш қийин.

**Абдуҳамид МУХТОРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими аълочиси



4-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида Бахшичилик санъати халқаро фестивали ўтказилади.



**О**дам боласи кўп жиҳатларига кўра ҳурмат қилинади. Дини, илми, ирқи, жамиятдаги тутган ўрни, ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши шулар жумласидан. Аммо у юқоридагилардан қатъий назар, авваламбор, ҳазрати инсон бўлгани учун ҳурматга лойиқ. Инсонийлик моҳияти ўзини англаш билан бошланади. Буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий: «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам», деганида ҳар бир инсон ўзини қадрлаши, англаши ва ривожланиши, шундан кейингина уни эл таниши, эътироф этиши ҳамда ҳурмат қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бошқа бир аллома Юнус Эмро: «Мени менда дема — менда эмасман. Бир мен бордир менда — менинг ичимда», дея инсоннинг сурати алдамчи, сийрат билрамчи эканини қайд этган ва бу билан ҳар бир инсонни ички «мени»ни гўзал қилишга чақирган.

Бугунги тез ўзгарувчан, кўриниши ва мақсади бир-биридан фарқ қилаётган муносабатлар негизда Адам Смит айтганидек, манфаат — ҳаракатлангирувчи куч эмас, балки инсонга зарар келтирувчи омилга айланиб бормоқда. Даромад мақсадида инсонни оёқости қилиш, хўрлаш билан бунёдкор кучни бузғунчи кучга айлантираётганлар ким? Худди шундай, даромад мақсадида ўзини қадрламайдиган, ўзини хорликка маҳкум этаётганлар ким? Ҳар иккиси ҳам ўзини — ички менини, аслини тополмаган, гурурдан мосуво одамлар эмасми?

Ортимизда бугун фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилиш, уларга энг зарур яшаш шароитларини яратин мақсадида кенг кўламли ислохотлар бошланган. Унинг моҳияти Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган: «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» ва «Халқимиз эртага ёки узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшашни исташмоқда» деган ҳаётий концепцияда намоён бўлади. Бунинг амалий натижаси сифатида аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш учун сўнги икки йилда Ўзбекистонда бунёд этилган уй-жойлар машум Тошкент эйлизисидан кейин қудрати дунёни кўрқитган советлар мамлукати курган уй-жойлардан 2 баробар кўпроқни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётга кўчган инсонпарварлик, юртпарварлик ғоясининг асл мазмуни, аслида.

Аҳоли даромад манбаини шакллантириш борасида имтиёзли, мақсади фойда бўлмаган кредитлар берилмоқда. Махсус давлат фондлари

орқали ёшларнинг талбиркорлик ташаббусларини кўллаб-қувватлаш учун миллиардлаб маблағ ажратилмоқда. Харобага айланган қишлоқ ёки маҳаллалар навбат билан обод масканларга айланмоқда. Ўз уйи бўлмаган одамдан Ватанга эгалик қилишни талаб қилишининг маъноси борми? Умуман, шахсий мулки бўлмаган фуқарода ватанпарварлик ҳисси бўладими? Абу Али ибн Сино бахтли жамият сифатлари ҳақидаги қарашларини илгари сураётган экан, барча фуқароси мулкли бўлган юртгина чин маънодаги бахтга эришини алоҳида таъкидлаган. Демак, юртимизда амалга оширилаётган бу сиёсат мустаҳкам азалий илдизларига эга.

Шу ўринда юртимиз тарихида муайян из қолдирган мўғуллар босқини даврида халқнинг маънавий ҳаётини бир маромда ушлаб туришга, тараққий эттиришга хизмат қилган, энг муҳими, қонун устувор жамиятларгина яшовчан бўлиши, ҳар қандай душмандан устун келиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳаётий қарашлари билан ном қолдирган суҳравардия тариқати ғояларини ёлға олиш ўринли. Унга кўра, инсон ҳар қандай вазиятда ўзлигини йўқотмаслиги, эртанги кунга қатъий ишонч ҳисси билан интилиши зарур. Шундагина вайронкорлик чекиниб, бунёдкорлик, эзгулик ғолиб бўлади.

Ким тинч, фаровон ва хотиржам яшашни истамайди? Бу эҳтиёжнинг




**Аслида, Ватандан қариндош-уруғ, дўсту биродарлар, ошна-оғайни, фарзанд ёхуд турмуш ўртоғи мақсад қилинмайди. Мўътабар манбаларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг туғилиб, илк нафасни олган, вояга етган маскани унинг Ватанидир. Улуғларимиз ҳатто, муборак Ҳаж ибодатини амалга оширган заҳоти Ватанга қайтиш шартлигини уқтиришган.**

Ота-она каби Ватан ҳам танланмайди. Уларга истисносиз хизмат қилинади. Яхшилигино ёмонлиги муҳокамада этилмайди — таҳлилсиз қабул қилинади. Демак, ота-она ва Ватан туйғусини англаб етиш — шукроналикнинг бошланиши.

Инсон ўзи туғилиб ўсган жойидан узоқда яшаши, ривожланиши ва бахтли бўлиши мумкин, лекин туғилган жойига ва у ерда яшаётган одамларга ёмонлик тилаши мумкин эмас. Дунёда энг бахтсиз инсон ўз қадриятлари қарор топган Ватанидан ажралиб қолган инсон бўлса керак. Буюк фақиҳ Имом Шофийнинг таъкидлашича, инсонга ватанидан айрилишдан каттароқ қулфат йўқ. Чунки Ватанини онгли тарк этган, уни инкор қилган инсоннинг хотири жам бўлмайди, билмак, табиатда жоҳиллик устувор бўлиб, садоқатдан йироқлашади. Бу тоифа инсонларда қадрият қадрсиздир.

Ҳар бир давлатни ҳаётнинг ҳадсиз ва бешафқат уммонидан ўз мақсадларига интилаётган бир кемага ўхшатак, унинг ичида кетаётган халқнинг ҳамжиҳат, ҳамкор ва хотиржам бўлиши кеманинг беҳатар ҳаракатини кафолатлайди. Ҳар бир инсоннинг ўзига хос дунё экани сабабли фикрлар ва дунёқарашларнинг турли бўлиши табиийдир. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, бахт куши бўлган Симург ёр мақсад йўлида бирлашган ўттиз нафар турли-туман қушлардан иборатдир. Шунингдек, мутафаккир бобомиз мақсадсиз миллат бўлмаслигини айтади. Миллат мақсади эса, шубҳасиз, унинг миллий ғоясидир. Жамиятни ташкил этувчи инсонлар Симург мисоли бир бунёдкор мақсад атрофида бирлашса, унинг ижобати йўлида жидду жаҳд кўрсатсагина мақсад — бахт ҳосил бўлади.

## ЎТТИЗ НАФАР ҚУШДАЙ БИРЛАШАЙЛИК



Инсоннинг ўзига бўлган ҳурмати онласи, фарзандларига бўлган масъулиятли муносабатини, бу муносабат ўз ўрнида мамлакатга ва атрофидаги инсонларга бўлган ёндашувини шакллантиради. Инсон ҳурмати тикланган жамият тараққиёт ҳақида режалар тузиши мумкин, чунки тараққиёт ўзини ҳурмат қиладиган инсонларнинг онгли, фидойи ва садоқатли меҳнати эвазига юзага келади. Илмига, қадрига, гурурига таянган инсонлардагина Ватан тушунчаси моҳияти билан идрок этилади. Келажакка умид, ишонч ақл тарозисидан тортиб кўрилган илм натижасидир.

### Қонунга итоат — келишув

**Қонун бу ким бўлишдан қатъий назар, барча фуқаролар ўртасидаги келишувдир. Шунга кўра, унга қатъий амал қилиш жамият аъзоларининг барчасига бирдек тааллуқли. Ушбу келишувни қайд этиш, расмийлаштириш, амал қилиш ва назорат қилиш тизимининг барчага баробар бўлиши жамиятнинг комиллик даражасини белгилаб беради. Демак, барча жабҳаларда қонун устувор бўлган жамият комил жамиятдир. Ўз-ўзидан давлатнинг ўзагини ташкил этувчи жамиятнинг ҳолати давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб беради. Интизом, тартиб, ўзаро ҳурмат бўлган жамият ривожланиш йўлини тез топиб олади ва ушбу йўлда собитқадамлик билан илгарилайди.**

бўлмаслиги инсоннинг хасталигидан далолат бўлса керак. Чунки одам боласи ҳар кимга зулмини, камбағалликни раво кўриши мумкин, аммо асло ўзига эмас! Лекин бу мақсадга эришининг йўли қарда? Албатта, инсоннинг ўзидан. Инсон ўзига ҳоким. У ўз ҳаётини ўзи қуради. Танлови, хоҳиш-иродаси билан. Илм олиш, касб ўрганиш, эътиқод каби инсон ҳаётини белгилаб берувчи асосларга эга бўлиш ёки бўлмаслик унинг истагига боғлиқ. Бунга ҳалақит берувчи омиллар юқорида айтиб ўтилган ўзаро келишувга амал қилмаслик, ўз манфаатини устувроқ қўйиш, боқимандалик ва иродасизликнинг маҳсулидир.

Давлатимиз раҳбари: «Бундан минг йил олдин жаҳолатга қарши маърифат билан курашган аллома», дея таърифлаган теолог аллома Абул Муин Насафийнинг бу борадаги қарашлари муҳим. У эзгулик ва ёвузликдан бирини танлаш инсон ҳаётининг асосини ташкил этишига эътибор қаратиб, бахтли ёки бахтсизлиги айна шу сабаб билан боғлиқлигини уқтиради ҳамда тўғри танловнинг бир кўриниши жамиятда мавжуд қонунларга итоат эканини айтади. Бундан кўринадики, бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири инсонларга, айниқса, ёшларга илмий танлов, тўғри қарор қабул қилиш маданиятини ўргатишдир. Шундай экан, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиши, уларни англаб етиши, оғишмай амал қилиши хотиржам, фаровон ҳаёт кечирининг гаровидир.

### Ватанини севасизми?

**Алишер ҚОДИРОВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат  
маркази раҳбари



Ўзбекистонда 1 мартдан шахар телефони учун абонент тўлови оширилади.



# Фарзандга қасд

**Эрта никоҳ ва унинг салбий оқибатлари. Бу муаммони фуқаролик жамияти институтлари, мутахассислар фикри, маҳалла фаоллари, телевидение орқали эфирга узатилаётган кўрсатувлар, радиозиттиришлар, бадий ва ҳужжатли фильмлар, дин улаомларининг насиҳатлари ҳам бартараф этолмаётганидек, биргина мақола билан биз ҳам бунга ечим тополмаймиз. Муаммонинг асл моҳиятини тушунтиришга уринсак-да, барибир бу иллат давом этаверади.**

Аммо газетани минглаб ёшлар, оила қуриш остонасида турган йигит-қизлар ҳамда ота-оналар ўқишини ҳисобга олиб, мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчи бўлдик.

## Муаммони ўрганамиз

Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, эрта турмуш қурган ёшларнинг деярли барчасида узоқ муддатли руҳий сиқилиш ҳолати кузатилади экан. Шунингдек, эрта турмушга чиқиш оқибатида аёлларда юздан зиёд турли касалликлар юзага келиши ҳам фанда исботланган. 18 ёшгача она бўлганларнинг чақалоқлари орасида ўлим ҳолатлари 20 ёшдан кейин она бўлган аёллардагига қараганда кўпроқ учрайди. Шунингдек, жуда эрта узатилган ва эрта ҳомилдор бўлган қизларнинг орасида ҳам туғиш билан боғлиқ ўлим ҳолатлари аниқланган.

Ўзбекистон шароитида муаммонинг ижтимоий томонлари ҳам бор. Яъни бу-

тун дунё оила деганда эрак ва аёлнинг бирлигини тушуна, халқимизда қайнона-келин, келин ва қариндошлар, куда-андачилик деган муаммонинг «болачалари» ҳам бор. Эрта узатилган қиз турмуш ўртоғидан ташқари унинг ота-онаси, қавму қариндоши, ҳатто, кўни-кўшнларининг ҳам кўнглини овлаши, хизмати қилиши керак. Бу эса келинчақдан катта санъатни, истеъдодни талаб қилади. Бунинг учун у нафақат жисмоний камолотга, балки маънавий камолотга ҳам эришган бўлиши шарт.

## «Ўлимдан бошқасининг эртароқ бўлгани яхши»

Ҳамма ота-она фарзандини тиниб-тинчиб кетиши, бахтли яшашини истайди. Таг-туғли, обрўли оиладан қизларини сўраб келишса, дарров рози бўла қолишади. Улар ўзларига чиройли асос ҳам топиб олишган: «Қиз болани дўпинг билан ур, йиқилмаса, эрга бериб юборавер!» Бундай бемаза «қолип» биздан бошқа миллатла бўлмаса керак. Ҳа, яна битта ибора ҳам бор: «Ўлимдан бошқасининг эртароқ бўлгани афзал». Эртароқ қизингизга одоб-ахлоқ ўргатинг, илм беринг, ўқитинг, касб-корли қилин, рўзгорга тайёрланг, десанг, кўнмайди. Мақоли эрга беришга қолгандагина ишла-тишади.

## Бобо-бувиси ганимат

Кўп тўйларнинг шошма-шошарлик билан бўлганига гувоҳ бўламиз. Сабабини сўрасак, «бобо-бувиси ганимат, тўқсонга кирган. «Кенжа неварамнинг тўйини кўрай, кўзим очиқ кетмасин», деяпти». Ана шунақа халқимиз биз. Бобоси кўриб қолсин, момоси кўриб қолсин, деб ўзимизнинг аҳмоқона истагимиз учун 16-17 ёшли қизимизни «қурбон» қиламиз. Энг камда ўша қизининг, ҳаётга энди кириб келаётган норасиданинг тақдирини ўзгартириб юборамиз. 90 га кирган чол ёки кампирни хурсанд қилишни 16 ёшли, ҳали ёшлигига тўйиб улгурмаган қизнинг тақдириндан афзал биламиз. Унинг орзу-истакларини сўрамаймиз ҳам. Аслида, 90 ёшли қария сиз ҳовлиқиб унинг кўнгли учун қилган тўйдан ярим коса овқат ё ёйди, ё эмайди. Қувёнгини пайпаслаб кўрмаса, кўзи билан ажрата олмайди ҳам. Шу тўйни қилмасангиз ҳам кўзи очиқ кетмайди, аслида. Барибир юмилди. Аммо сиз ўжарсиз, «бобо-бувиси ганимат, тўйни кўриб қолсин», дейсиз...

## Совчи келмай қолса-чи?..

Кўпинча ота-оналар қизи 17 ёшдан ўтди,  
«ўти-риб

қолади», деб қўрқали. Айрим ҳудудларда ростдан ҳам 17 ёшдан ошган қизларга совчи келиши «ноёб ҳодиса». Бундан қўрққан ота-она биринчи, нари борса, иккинчи совчига «хўп» дейди. «Учинчиси келмай қолса-чи, деган ҳадик улarga тинчлик бермайди. Ачинарлиси, орамизда фарзандининг орзу-истаклари, қизиқлишлари ҳақида билмайдиган, унинг келажакдаги режалари ҳақида сўрамайдиган, ўртоқлашмайдиган ота-оналар қанча? Улар бахтни бойликда, шунчаки ўтгинчи ҳою-ҳавасда, обрў-эътиборда деб билди.

Кузатишларимиздан шу нарса аниқки, олий ўқув юртини битириб, бирор касбнинг бошини тутиб, рўзгор тебратишининг ҳам ҳадисини олиб, турмушга чиққан қизлар ҳеч нарсадан қуруқ қолгани йўқ. Эри ҳам, бола-чақаси ҳам, иши ҳам, уйи ҳам, керак бўлса, ўзининг тагида машинаси ҳам бор.

## Никоҳ ёшани белгилаш

Никоҳ ёшани белгилашда, албатта, бошқа мамлакатларнинг меъёрлари ўрганилган. Фақат бизнинг мамлакатда эмас, кўпгина ривожланган давлатларда бунақа тажриба бор. Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Ҳамдўстлик давлатларида ҳам амалдаги никоҳ ёши биздаги белгиланган меъёрларга мос келади. Россия, Миср, Бразилия, Чили, Канада, АҚШ каби давлатларда тенг ёш — 18 ёш қабул қилинган. Иккала жуфтлик учун 20 ёшни танлаган давлатлар сирасига Япония, Жанубий Кореяни киритиш мумкин. Малайзияда эса никоҳни қайд этиш 21 ёшдан белгиланган. Бунда ҳар бир мамлакатнинг географик жойлашиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳолининг репродуктив саломатлиги, албатта, инобатга олинади.

Биз муаммо хусусида мулоҳаза қилдик, ҳолос. Ҳулоса эса ўғил уйлантириб, қиз чиқариш арафасида турган ота-оналарнинг измига ҳавола. Агар фарзандингизда қасднинг бўлмаса, уни ўз қўлларингиз билан азоб-уқубатга, эрта турмушнинг муштига рўпара қилманг.

Бердиёр КАРИМОВ



# Нега алдандик?!

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, интернет тармоқларида мамлакатимизда ўртача иш ҳақи фалон пул бўлди, деган хабарлар тез-тез пайдо бўлмоқда. Масалан, яқиндагина «Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон бўйича ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 822,2 минг сўмни (жумладан, иш ҳақи устамалар, мукофот пуллари, рағбатлантирувчи тўловлар, компенсация тўловлари ва ишланмаган вақт учун тўловлар, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ижтимоий сугурта ва касаба уюшмалари жамғармаларига бадаллар) ташкил қилган» деган маълумот тарқалди. Очиғи, мен ушбу хабарни ўқиб, таажжубга тушдим. Бу ҳақда ўз мулоҳазаларимни facebook тармоғидаги саҳифамга жойлаштирдим. Бир неча кун ўтиб, Давлат статистика қўмитасининг масъул ходимларидан бири менга телефон орқали боғланиб, одамларнинг фикрини чағиғатаётганимни айтди. У маълум қилишича, Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим қилинган ўртача иш ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистондаги ўртача иш ҳақи сифатида нотўғри талқин қилинаётган экан. Бу ҳақда батафсил қўмитанинг интернетдаги расмий сайтидан билиб олишим мумкинлигини айтди.

Худди шундай қилдим. Қўмита сайтидаги маълумотларга асосланиб, 2017 ва 2018 йил якунидаги ўртача иш ҳақидаги маълумотларни биравлаштириб, қуйидаги жадвални шакллантирдим:

	2017 йилги корона ва ташвиқотлар сони та	2018 йилги корона ва ташвиқотлар сони та	Ҳодимлар сони 2017 йилга нисбатан	Ҳодимлар сони 2018 йилга нисбатан	Иш ҳақи фонди 2017 йилга нисбатан	Иш ҳақи фонди 2018 йилга нисбатан	Ўртача иш ҳақи 2017 йилга нисбатан	Ўртача иш ҳақи 2018 йилга нисбатан
Республика бўйича	55294	59998	2580.8	2007.7	45005.4	57019.9	1432.2	1822.2
Самант	619	614	479.6	452.8	12038.4	14839.1	2091.7	2731.1
Журнали	310	156	59.6	44.2	1294.2	1219.2	1808.4	2287.3
Савдо	476	484	59	58.9	1168.0	1406.1	1650.7	1990.3
Ташқи ва савдо	215	207	114.4	116.8	2670.7	3513.7	1945.8	2507.4
Овқатлаштириш ва ишонч бўлиб хизматлар	161	156	7.4	6.5	91.5	98.1	1035.3	1260.4
Ахборот ва алоқа	234	236	28.5	28.8	855.5	1157.3	2498.5	3347.5
Банк, кредит, сугурта, лево ва васитачилик	139	173	64.9	67.6	2097.7	2839.8	2094.1	3500.5
Ташвиқ	19034	22881	982.1	996.3	13671.6	16694.4	1160.1	1396.4
Сотилган ва савдо ва иқтисодий хизматлар	1420	1408	420.4	422.7	4948.2	6090.4	980.8	1173.1
Савдо, ҳам олов ва кўчирилган	2111	2195	27.3	27.9	448.6	552.7	1367.0	1652.4
Бошқа фалон турлари	30575	31538	337.6	375.3	5021.6	7796.9	1239.4	1711.2

Ҳа, Давлат статистика қўмитасининг масъул ходими ҳақи эди. Негаки, ушбу маълумотлар қўмита томонидан Ўзбе-

кистондаги ўртача иш ҳақи деб эмас, юридик шахсларда ходимлар сони ва иш ҳақи фонди (қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари), дея тақдим қилинган. Демак, ушбу жалвалга рақамлар Ўзбекистондаги ўртача иш ҳақи тўғрисида тасаввур бериши мумкин эмас! Бироқ бу юқорида тавқиқланганидек, айрим оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистондаги ўртача иш ҳақи тарзида нотўғри ёритилган. Бунга билиб-билмай ё тушуниб-тушунмай йўл қўйилганим, бу ёғи қоронғу. Бироқ шахсан мен ишбу хабарни республикамизнинг энг обрўли интернет нашрлари эълон қилгани боис расмий ва ишончли хабар деб, қўмита ходимларини ёлгон ҳисобот тақдим этишда айбладим. Аммо кеч бўлса ҳам хатомни тушундим ва тузатдим.

Ушбу расмий статистик маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида менда бир неча савол пайдо бўлди: Нега давлат статистика органлари тақдим қилинган маълумотни аслидай қилиб бюджет ва унга алоқдор ташкилотларда ишловчиларнинг иш ҳақи деб эълон қилмади? Ўзбекистондаги иш ҳақи фалон пул деб хабар бераётган айрим сайтлар оддий халқ турмуш тарзи, реал ҳолатдан шу қадар узоқми? Ахир, ОАВ кенг жамоатчиликка фақат текширилган, асосланган ва ҳаққоний маълумотларни етказиши керак! Бу борда биринчи эмас, аввало, ишончли бўла олиш — энг муҳими.

Давлатназар РЎЗМЕТОВ



Ўзбекистонда мажбурий тиббий сугурта тизими 2021 йилдан бошлаб босқичма-босқич жорий этилади.

Ўзбекистонда мажбурий тиббий сугурта тизими 2021 йилдан бошлаб босқичма-босқич жорий этилади.



# ЛАГАНБАРДОР, ИККИЮЗЛАМАЧИ, ФИРИБГАР бўлиб қолмаслик учун нима қиляпмиз?

**К**ишлоққа бор-маганимга анча бўлганди. Синфдошлар билан учрашиш баҳонасида 3-4 кун кишлоқни айландим. Ойхумор исмли синфдошимнинг ака-укалариникида меҳмон бўлдим. Ҳажга бориб келган отасининг суҳбатини олдим. Ўн нафар фарзандни тарбиялаган Исмоил бобо бугун 90 ёшни қорала япти.

Шаҳарга менгзаладиган кишлоғимизда бир замонлар кон бўлар эди. Кишлоқ эрақларининг ақсари япти шу ерда ишларди. Мустақилликдан кейин кон ёпилиб, кўпчилик ишсиз қолди. Ҳозир ҳам айримлар кон қайта очилишини орзу қилишади. Аммо отам ўша ерда ишлаб, биримиз икки бўлганини эслолмайман. Кон одамларни дангаса, боқиманда қилиб қўйган эдики, арзимаган ойликка қаноат қилиб, уй-жойини таъмирлаш ёки машина олиш, уй жиҳозларини янгилаш ҳеч кимнинг эсига келмасди. Давлат ишида ишлаётгани учун чорва қилиш, томорқага қарашга ҳеч кимнинг вақти бўлмасди.

Кон ёпилгач, одамлар бир муддат ишсизлик ва пулсизликдан қийналиб қолди. Кўпчилик талбир излай бошлади. Бировлар чорва боқди. Томорқасидан фойдаланди, шахсий дўкон, ҳаммом, сартарошонасини йўлга қўйди. Аввал ҳамманинг томи бир хил бўлган бўлса, энди баланд иморатлар, шахсий машиналар пайдо бўлди. Бироқ ишсизликдан ҳамон қийналаётганлар кўпчиликни ташкил қилади.

Мен бунда давлат ёки жамиятни айбламоқчи эмасман. Ҳамма айб — одамларнинг ўзида. Дангасалигида, боқимандалигида.

Юқорида айтганимдек, Исмоил ота совет даврида ҳам, мустақиллик даврида ҳам ҳамманинг олди бўлиб яшайди. Ҳеч қайси давр отахоннинг ҳаётига таъсир қилмади. Ҳамма шахтада ишлаб, арзимаган ойликка қаноат қилиб юрганида отанинг саноқсиз чорваси, отлари бор эди. Бирин-кетин фарзандлари воёга етди. Барчаси талбиркор, барининг уйи замонавий, кўша-кўша машинаси бор. Уларнинг левор дармиён қўшинлари эса деворлари нураган, хароб аҳволда яшайди. Хўш, энди айтинг-чи, бу икки ҳолатга ким айбдор? Нега ери, суви бир икки қўшиннинг бири ночор, бири ўзига тўқ? Бири дангаса, бири меҳнаткаш?

Синфдошлар билан тоғдаги богда йиғилдик. Супалар, каравотлар қўйилган бу бог тўй, йиғилар, гап-гаштақлар ўтказиладиган жойга айланиб қолган.



Ижара пулини берсангиз, эгалари хизматда. Тоғнинг ўртасига шинамгина уй-жой қурилган, гуллар, минг туп олма дарахти экилган. Тасаввур қиляпсизми, ҳар қаламда катта-катта тошлар учирайдиган қир ўртасида бог яратиш маънаси, меҳнати ва ундан келадиган роҳат...

Изланган, яхши ҳаёт яратганлар бугун ҳар бир ерда тўқ яшайпти. Қолганлар эса, жамиятни айбдор қилмоқда. Фикрим билан жамиятнинг ҳар томони оппоқ дейишдан йироқман. Аммо ҳаётимизнинг шу ҳолга тушиб қолшига, аввало, ўзимиз айбдор эмасми?

**Қассоб танишим ўғлим ўқишга кириши учун бир домлага фалон пул бердим, деб нолийди. Ўша домла богча мудираси неварамни богчага жойлагани учун пул сўради, деб нолийди. Богча мудираси қариндошини фалон пулга операция қилдирганидан ўкиниб, шифокорни қарғайди. Шифохонадаги доригача сотиб шоҳона яшаётган докторлардан бири қассоб гўштга муштдек суяк солиб, алданганидан хафа бўлади.**

**Баъзида ойлик бошса коррупция йўқолади, деган гапларни эшитамиз. Йўқ, маънавий бойицас эканмиз, коррупция йўқолмайди. Чунки пора олишга йўқчилик ёки оз маблағ сабаб бўлмайди. Пора оладиган ҳар қандай вазиятда ҳам олаве-**

**ради. Ёки ижтимоий тармоқларда қайнонасини ўлдирган келин, боласини сотган онага ҳам жамият йўқчилик, ўтган 25 йиллик вақт айбдор бўлиб қолди. Аммо нега уруш, очарчилик даврида ҳеч ким боласини сотмаган ёки қайнонасини ўлдирмаган....**

Ҳаммасига яна маънавиятсизлик, очкўзлик сабаб. Баъзида чет элга кетаётган аёллар ҳам ишсизлик, йўқчиликни сабаб қилиб кўрсатади. Рост, йўқчилик туфайли кетаётганлар ҳам бор. Масалан, мен таниган бир келин эридан ажрашди. Унинг уч ака-укаси катта талбиркор. Уларнинг ҳар бирида дангиллама ҳовли, машиналар бор.

Ҳатто, хотинлари ҳам машина ҳайлайди. Лекин синглисига ҳеч бири ёрдам қилини чўзмади. Акаларининг уйига сиғмаган сингил уй олиш учун чет элга кетди. Агар акалар оқибатли, ор-номусли бўлганда сингил кетармиди? Улар гурурли бўлганида кўзга яқин синглисини хорижга жўнатармиди? Ёки бўлмаса, аёл маънавиятли бўлганида арзимаган сабаб билан оиласидан ажраб, ҳозир чет элга юрармиди? Ўзининг ўглини жоҳил ака-ю, келиноилларига сиғинди қилиб ташлаб, ўзганининг боласига тарбия берармиди? Саволлар кўп. Аммо жавоб топиш мушкул.

Жамиятдаги порахўр, ўғри, юлғич, мансаб кўрсинини сунистезмол қиладиган кимсалар одамларни тузумдан, жамиятдан норози бўлишига сабаб бўлади. Аслида, ҳаммасига жамият ёки тузум эмас, шу тарбиясиз, маънавияти қашшоқ одамлар сабаб эмасми?

Мансабдорни тўрғачиқариб қўйган, уларнинг шу даражага етишига, порахўр бўлишига етишмовчилик эмас, ошиб-тошиб кетганимиз сабаб эмасми?

Ижтимоий тармоқларда танқид қилаётганларни, айниқса, «қишлоқларда газ йўқ, чироқ йўқ, одамлар қийналиб яшайпти», деяётган чет элдан ҳамюртларимизни сира тушунмайман. Агар ростдан ҳам шу халққа ичинг ачиётган бўлса, елиб-югуриб кишлоққа газ, свет келтир. Корхона ташкил қилиб уларни иш билан таъминла.

Тўғри, жамиятнинг огриқли нуқталарини танқид қилиш керак. Бироқ бизнинг танқидимиздан ҳеч кимга фойда бўлмаса, фойда олмасак, ўзимиздан қаҳрамон ясаганимиз қолади. Ўнлаб

фойда бермайдиган танқидий луқмалар ёзгандан кўра, ўша қийналган биргина бечоранинг мушқулини осон қилган яхши эмасми?

Гематология ва қон қуйиш институти фаолиятини ўрганиш мақсадида икки кун ўша ерда бўлдим. Қон раки билан оғриган бемор болаларни кўриб, бир неча кун ўзимга келолмадим. Натижада ижтимоий тармоқда «Хизмат бепул, дорилар пуллик» сарлавҳали танқидий мақолани эълон қилдим. Афсуски. мақолага деярли эътибор бўлмади. Биров мендан бемор болалар билан қандай боғланишни сўрамади. Қани савоб, инсонгарчилик ҳақида тинмай бонг ургичлар?! Қани, бировни танқид қилишса, устидан маъзава ағдарадиганлар?!

Барчасига жамият, тузум, давлат айбдор эмас. Болаларга тарбия бермай қўйдик. Маънавиятсизлигимиз ошиб бормоқда. Одамлар камбағалликдан, очарчиликдан эмас, очкўзликдан ўз ҳамюртларини таламоқда.



Ҳайит, рўза кунлари барча мамлакатларда нарҳлар туширилса, бизда тескариси бўлиб қолди. Қассоб танишим ўғлим ўқишга кириши учун бир домлага фалон пул бердим, деб нолийди. Ўша домла богча мудираси неварамни богчага жойлаш учун пул сўради, деб нолийди. Богча мудираси қариндошини фалон пулга операция қилдирганидан ўкиниб, шифокорни қарғайди. Шифохонадаги доригача сотиб шоҳона яшаётган докторлардан бири қассоб гўштга муштдек суяк солиб, алдаганидан хафа бўлади. Она ўғлининг чўнтагидан пул ўғирлаганидан хавотирда. Аммо қачонлардир ўша гўдагининг олдида эрининг чўнтагига сўроқсиз кўл суққани ёдидан кўтарилган...

Абдулла Авлоний айтганидек, «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат...». Фалокатларимизнинг бариси тарбиясизликдан. Фарзандларимиз тарбиясига жиддий эътибор берайлик. Жамиятда ечимини кутаётган муаммолар кўп. Лекин уларнинг орасида ўзимиз биргалашиб ечимини топишимиз керак бўлганлари ҳам талайгина.

Фарзандларимиз келгусида лаганбардор, иккиюзламачи, товламачи, фирибгар бўлиб воёга етмаслиги учун нималар қиляпмиз? Ахир, жамиятдаги барча муаммолар лоқайдлигимиз орқали юз бермаётганими?

Барно СУЛТОНОВА



Австриянинг дунёга машҳур AVL компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда электротракторлар ишлаб чиқарилади.



# ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ШАРТМИ?

**Хар лаҳзада дунёнинг қайси бир чеккасида қандайдир оламшумул воқеа-ҳодиса содир бўлиб, бу Ер юзи аҳолисининг турли тилларда сўзланувчи, ҳар хил миллатга мансуб вакиллари томонидан фаол муҳокама этилмоқда.**

Нима учун айнан тиллар ва миллатлар ҳақида фикр юритдик? Чунки бу жараёнлар инсонлар учун хорижий тилларни ўрганиш, улардан фойдаланиш ва жаҳон ҳамжамиятига янада фаол интеграциялашиш борасидаги эҳтиёжни кучайтирмоқда. Хорижий тилларни билиш инсонлар учун дунёқарашни кенгайтириш, илм-фан ютуқларидан янада кенгроқ хабардор бўлиш, бошқа халқларнинг ҳаёти ва маданияти билан яқинроқ танишиш воситаси сифатида аҳамиятлидир.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг ярмидан кўпи ҳар кун камидан иккита тилни ишлатса, болаларнинг учдан икки қисми икки ёки уч тилда тарбияланмоқда. Ҳозирда инглиз, португал, испан, француз, рус, араб ва хитой тилларидан кенг фойдаланилмоқда ҳамда уларни ўрганишга ҳаракат қилаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Хусусан, дунё аҳолисининг 80 фоиздан ортиғи инглиз тилини ўрганишга интилаётир.

Кейинги даврда кенг оммалашаётган инсон капитали масаласида ҳам чет тилларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳат нафақат инсонга мутахассис сифатида талабнинг ортиши, балки унинг турмуш фаровонлиги ошишига ҳам хизмат қилади. Эътиборлиси, чет тилларни биладиган инсонлар фақат она тилида сўзланувчи инсонларга нисбатан 15-30 фоиз кўпроқ даромад толар экан. «Ereconomics» маълумотларига кўра, АҚШда иккинчи тил йиллик даромаднинг 2 фоизга ошишини таъминлар экан. Шунинг ўзи «бу-

гунги авлод чет тилини билиши шартми?», деган саволга жавоб эмасми?

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, чет тилларини ўрганиш борасида инсон ёши ҳам муҳим. Хусусан, америкалик олимлар бола 10 ёшга қадар чет тилини



яхшироқ ўзлаштиришини аниқлади.

Юртимизда ҳам чет тилларини ўргатиш тизимини такомиллаштириш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, замонавий ўқитиш методикалари амалиётга жорий этилмоқда. Тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган таълим муассасалари, ўқув курслари яратилмоқда, иқтидорли ёшлар хорижга ўқишга юборилмоқда. Бироқ ҳамон Ўзбекистон чет тилларини билиш даражаси паст бўлган мамлакатлардан бири сифатида қолаётгани ачинарли ҳол.

Утган йили дунёдаги энг йирик ўқув муассасаси — «EF Education First» томонидан 88 мамлакат ва минтақада яшов-

чи она тили инглиз тили бўлмаган 1,3 миллион аҳоли ўртасида инглиз тилини билиш тадқиқ этилди. Унда Ўзбекистон 86-ўринни қайд этган. Рўйхатда Афғонистон 52, Қозоғистон 80-ўринда экани кўрсатиб ўтилган. Мазкур ёқимсиз натижа мамлакатимизнинг нуфузига салбий таъсир этиши билан бирга ёшларимизнинг жаҳонда етук мутахассислар сифатида муносиб ўрин эгаллашига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Шундай экан, ёш авлод хорижий

тилларни билиш даражасини доимий ошириб боришимиз, бу борада нафақат инглиз тили, балки дунёда кенг фойдаланилаётган бошқа тилларни ҳам чуқур ўрганишимиз лозим. Зеро, биз ёшлар жаҳон цивилизациясига муносиб ҳиссага қўшган ва қўшиб келаётган, илм-фан тараққий этган, ажодлари бир неча тилларни пухта билган, маърифатли халқ фарзандларимиз.

**Хулқарой АЪЗАМОВА,**  
ЎзДЖТУ инглиз тили  
3-факультети Мактабгача ва  
бошланғич таълимда  
хорижий тил йўналиши  
1-босқич талабаси

# ҚОНУН БУЗИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Ҳаёт ва қонун

**Б**угунги кунда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани адлия бўлими томонидан фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва ечимини топишнинг самарали механизми йўлга қўйилган бўлиб, бу борадаги ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда.

Аммо айрим ташкилотлар хизматчиларининг ҳуқуқий амалиётда қонунчилик нормаларини тўғри қўлай олмаслиги ва ўз мансаб вазифаларига совуққонлик билан қараш фуқароларнинг асоссиз овозгарчилигига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур тумани Самарқанд дарвоза кўчаси 25-уйда истиқомат қилувчи фуқаро У.Усмонова турмуш ўртоғини ногиронлик пенсиясига чиқаришда туман Пенсия жамғармаси томонидан эрининг ишсизлиги ҳақида маълумотнома талаб қилинаётганидан норози бўлиб туман Адлия бўлимига мурожаат қилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

Бегали ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.



ри томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан мазкур турдаги ҳужжатнинг маҳалла органлари томонидан берилиши тақиқланган. Лекин юқори-

бартараф этиш» тўғрисида Тақдимнома киритилди.

**Мирсамад ЯКУБОВ,**  
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси,  
Суннатullo РАҲМОНОВ,  
етакчи маслаҳатчи

# Одамлар эътиборга муҳтож

Университетдаги ўқишимизнинг иккинчи ойда ўқитувчи бизга тест саволларини тарқатди. Мен аълочи талабалар сафида эдим. Бир нафасда сўнгги саволга келдим ва бирдан тўхтаб қолдим.

Савол қуйидагича эди: «Университетдаги фаррош аёлининг исми?...» Бу ҳар ҳолда ҳазил бўлса керак. Ҳовли супураётган аёлини ҳар кун кўрардим. Узун бўйли, қора сочли, тахминан 50 ёшлардаги аёл эди. Лекин исмини қардан биламан? Саволнинг жавобини очик қолдириб, варақни топширдим. Вақт ўтиб, бир талаба сўнгги саволнинг бошқаларига алоқаси бор-йўқлигига қизиқди.

— Албатта, алоқаси бор, — деди ўқитувчи. — Фаолиятингиз давомида турли инсонлар билан юзлашасиз. Улар бир-бирига ўхшамайди, бироқ барчаси сизнинг эътибор ва муносабатингизга муносиб. Шунчаки табасумингиз ёки улар билан саломлашингиз кифоя...

Бу сабоқни умр бўйи унутмадим, фаррош аёлининг исмини ҳам...

**Б.ОТАЖОНОВА** таржимаси.




Тошкент телеминораси МДХ мамлакатларидаги энг романтик жойлар рўйхатига киритилди.



# ОДДИЙ ЙИГИТНИНГ МОДДИЙ ИБРАТИ

Риштонлик тadbиркор Дилшод Болтабоев, яъни ижтимоий тармоқларда маълуму машҳур Дима Қаюм оддий оила фарзанди. Камтарин, содда ва самимий бу йигит бир қарасағиз латифагўйларга, яна бир қарасағиз шоирларга тақлид қилиб, кичик-кичик ҳажвийлар, шеърлар ёзиб туради. Аммо унинг бир хислати борки, бошқалар ҳам унга тақлид қилса, эргашса арзийди.

Гап шундаки, у юртимиз ва хорижда истиқомат қилаётган саховатпеша ватандошларимизни хайрияга чорлаб, кам таъминланган оилалар, хасталар ҳолидан хабар олишни анъанага айлантирди. Унинг бундай хатти-ҳаракати, айтадиган гаплари фақат қоғозда қолиб кетадиган айрим раҳбарларнинг ваъласидан устун ва қимматлироқдир. Ушбу суратлар Дима Қаюмнинг Facebookдаги шахсий саҳифасидан олинди. Ҳаётини, бўёқларсиз акс эттирилган бу лавҳалар ҳеч кимни бекфарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Зеро, саховатли бўлиш, халқимизнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш, одамларни рози қилиш бугун олиб борилаётган оқил сиёсатнинг устувор вазифаларидан саналди.



Тахририят.

Б-ҲАВО	
+10°C	+2°C
+16°C	+7°C
+8°C	+3°C
+8°C	+3°C
+13°C	+4°C
+8°C	+1°C
+6°C	-1°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.



**Муассислар:**  
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.  
Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

**Бosh муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

**Тахрир ҳайъати:**  
Рустам Комилов  
Рустам Қосимов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Саид-Абдулазиз Юсупов  
Шавкат Жавлонов  
Руфат Нейматов  
Феруза Мирзақомилова

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-214 Адади: 2508.  
Жума куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

**Навбатчи:** Феруза Мирзақомилова

**Дизайнер:** Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефон: (71) 233-72-77, 236-10-87.  
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
ЎзА яқуни:  
Топширилган вақти: 23.20  
1 2 3 4 5

**ФИКР**

**Сен фарзанднингни тарбия қилма. У барибир сенга ўхшаган бўлади. Сен ўзингни тарбия қил.**

**Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, режиссёр**

**Ҳақиқат аччиқ бўлади!**

Мана, ишқи битирдик

**Кун сурати**

Бегали ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

## Жараён Тенгдошлардан ортда қолмай

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига асосан бугун мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларида тарбия олмайдиган болалар учун махсус тайёрлов гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.



лар, рус ва инглиз тили мутахассислари, жисмоний тарбия йўриқчиси, мусиқа ўқитувчилари болакайлarga таълим-тарбия бериш асосида уларни бошқа тенгдошларидан ортда қолмаслиги йўлида меҳнат қилмоқда. — дейди муассаса раҳбари Моҳиҷсхра Каримова. — Куни кеча шoҳ ва шоир Заҳрирдин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллигига бағишлаб ўтказилган бадиий кечада илк бор тайёрлов гуруҳи аъзолари шоир ижодидан назаллар айтиб, саҳна кўринишлари намойиш қилди.

Қисқа муддат ичида болаларнинг ақлий ва жисмоний ҳолатидаги ижобий ўзгаришлардан ота-оналар мамнун. Бенул тарзда очилган ушбу гуруҳлардаги тайёрлов босқичи жорий йилнинг август ойида якунланди.

Хусусан, пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 328-ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасидаги тайёрлов гуруҳларида 58 нафар болажон қамраб олинган.

— 2018 йилнинг декабрь ойида иш бошлаган мазкур гуруҳларда олий тоифали педагоглар, тарбиячи-

Баҳринисо МАДУМАРОВА

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси жамоаси фахрий журналист, уюшма аъзоси **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Кисқа сатрларда ўқинг.

Мустақил Ўзбекистон тарихида хоккей бўйича илк чемпионат бўлиб ўтди.